

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши 72

Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

Н.АЛИБОЕВА

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари 96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида 100

А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида 102

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит 104

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима 106

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрўз лирикаси 109

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

Л.СИНДОРОВ

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида 113

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги 121

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев 127

УДК: 42/48+412.2+412.3

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАСВИРИЙ МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Н.Алибоева

Аннотация

Ушбу мақолада оламнинг миллий лисоний манзарасида товуш ва ҳолат/образга тақлид ифодалари, агглютинатив тиллар, хусусан, ўзбек тилида тақлидларнинг кенг қўлланилиши, флектив тиллар, жумладан, инглиз тилида мустақил туркум сифатида тақлидларнинг деярли йўқлиги, бу тилда товуш ёки образга тақлид от, сифат ёки феъллар билан берилиши, бундай сўзларнинг аслида генетик жиҳатдан тақлиддан ўсиб чиққанлиги ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Речь в данной статье пойдет о выражении звукоподражаний, об агглютинативных языках, в частности, о широком использовании звукоподражаний в узбекском языке, о флективных языках, в том числе, об отсутствии, большей частью, звукоподражания как самостоятельной части речи в английском языке, об образовании звукоподражаний вместе с именами существительного, прилагательного и глагольными формами в данном языке, о реальном генетическом происхождении этих слов от звукоподражаний.

Annotation

This article entails imitative expressions to sound and state in national linguistic view of the world, agglutinative languages, particularly, wide usage of imitations in Uzbek, flektiv languages, additionally, almost non-existence of imitations as an independent part of speech expressing imitation to sound and state with nouns, adjectives or verbs, derivation of imitation with the above words.

Таянч сўз ва иборалар: тақлид, тасвирий сўз, тасвирий ифода, оноματοпея, тасвирий восита, от, феъл, гап бўлаги, грамматик шакл, товушга тақлид, ҳолат/образга тақлид, агглютинация, флексия.

Ключевые слова и выражения: звукоподражание, парафраза, оноματοпея, имя существительное, имя прилагательное, член предложения, грамматическая форма, агглютинация, флексия

Keywords and expressions: imitation, descriptive word, descriptive expression, onomatopoeia, descriptive means, noun, verb, parts of sentence, grammar form, imitation to sound and state, agglutination, flektion.

Оламнинг лисоний манзараси, бадиий тасвири ҳар бир тилда ўзига хос ва серқирра бўлиб, бу, борлиққа миллий назар, ҳар бир тилнинг ўзига хос фонетик системаси ҳамда миллий артикуляция хусусиятлари билан боғлиқдир. Шунингдек, олам лисоний манзарасининг ўзига хос ишланган ва сайқаллаштирилган, энг мукамал кўриниши бўлган бадиий тасвир қиймати нафақат сюжетининг изчиллиги, балки бевосита миллий тасвирий воситаларининг қай даражада танланганлиги, ўзаро уйғунлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳар бир тил учун ўзаро кўп ҳам фарқланмайдиган жиҳатлар билан бирга, тилларнинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланиб турадиган, соф миллий лисоний табиатга эга бўлган жиҳатлар ҳам борки, у тилнинг моҳиятини, тиллар оламидаги ўзига хосликларини таъминлайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Бу ҳолат фонетика, лексика ва грамматикада ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ушбу ҳодисалар лексикада маълум даражада камроқ бўлса-да, фонетика ва грамматикада яққол намоён бўлади.

Лексикада ўзига хослик фонетика ва грамматикага нисбатан лексикада камроқ кўзга ташланишининг далили шундаки, бирор тилда ўзлашма фонетик ва грамматик ҳодисалар деярли учрамайди, лекин лекин бошқа тиллардан олинган лексик ҳодисалар ҳар бир тилда исталганча учраб туради. Бунга ўзбек тилига минг йиллар давомида араб тилидан, юз йиллар давомида рус, ва кейинги чорак асрда инглиз тилидан жуда кўп сўзлар ўзлашгани ҳолда бирорта фонетик ва грамматик ҳодиса миллий бойлигимизга айланмаганлигини далил сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бироқ тил лексикасидаги сўз туркумлари гуруҳида сўз ўзлашиши ҳодисаси бир хилда учрамайди. Масалан, бирор тилда соф ўзлашма ёки тақлидий (тасвирий) сўзларнинг учрамаслиги фикримиз исботидир. Қуйида ҳар бир тилнинг ўзига хос мавжудлик эканлигини далиллайдиган ҳодисалардан бири – тилшуносликда тасвирий сўзлар деб ном олган сўзларнинг лисоний сифатлари ҳақида сўз юритамиз.

Маълумки, дунё ва туркий, шунингдек, ўзбек тилида тасвирий сўзлар ўз давр талаблари даражасида анча

Н.Алибоева – ҚДПИ, факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

ўрганилган ва муаммонинг ўтган аср миёналаригача бўлган тадқиқи ҳақидаги маълумотларни эса ўзбек тилшуноси Р.Қўнғуров ва Ё.Абдурасуловларнинг номлари зикр этилган манбаларидан олишингиз мумкин.

Маълумки, кўпгина туркий тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам тасвирий сўзларнинг аксарияти асосан ҳолат ёки ҳаракатга тақлидни англатувчи бирликлардан ташкил топган. Уларни гоҳ тақлидий, гоҳ тасвирий сўзлар сифатида номлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, уларни бир-бирининг ўрнида мутлақ истисносиз қўллана оладиган терминлар сифатида олиш мумкин эмас. Хусусан, тилшунос Р.Қўнғуров *тақилламоқ, шувилламоқ* каби сўзларни ҳам тасвирий сўзлар сифатида қарайдик, бундай ёндашувда лексик ҳодисаларни фарқлаш соф грамматик эмас, балки лексик-семантик асосларда эканлигини таъкидлаш лозим [1. 101]. Бундай бирликларнинг аксарияти алоҳида грамматик гуруҳ – тақлид сўз сифатида қўлланиши эътиборга молик. Бу ҳолат ўзбек тилининг агглютинатив тилларга мансублиги, тасвирий маънонинг ифодаланишидаги типологик фарқлар тилларнинг морфологик хусусиятлари (агглютинация/флектив) билан боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Флектив тиллар оиласига мансуб инглиз тилида тақлидий бирликлар ва тасвирий ифодалар орасида, табиийки, бирмунча йирик тафовутни кўриш мумкин. Хусусан, инглиз тилида ҳолат ёки ҳаракатга нисбатан қўлланадиган тасвирий ифодалар аксарият ҳолларда тақлид сўзлардан келиб чиқмайди, бу каби бирликлар мустақил луғавий маънога эга соф феъл ҳисобланади. Гапда ушбу феъл шакллари турли семантик вазифани бажариши мумкин. Агар ўзбек тилида ҳолат ёки ҳаракатни ифодаловчи тақлидий бирликлар *этиб, қилиб* ёрдамчи феъли билан бирикканини ёки равишдош қўшимчаси ёрдамида мослашганини ва мустақил ҳолда кесим ёки алоҳида гап вазифасида келмаслигини кузатсак, инглиз тилида ҳаракат ва ҳолатни тасвирловчи сўзлар мустақил ҳолда кесим вазифасида қўлланилишига гувоҳ бўламиз. Фикрларимизни бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

Инглиз тилидаги бадиий матнларда тасвирий маъно турли воситалар ёрдамида ифодаланади. У ҳолат ва ҳаракат тарзини англатадиган турли тақлидий бирликлар

ёрдамида ифодаланиши ҳам мумкин. Бу билан флектив тиллар оиласига кирувчи инглиз тилига тақлид ифодаловчи бирликлар умуман хос эмас ёки деган фикрдан йироқ эканлигимизни таъкидлашни хоҳлар эдик. Далиллар кўрсатадигани, баъзи ҳолларда тасвирий маънодаги сўзлар бевосита тақлид сўзлар маъно ва моҳиятига эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, феъл шаклидаги феъллар семантикасида тақлид маъноси англашилиб туради. Қуйида бунга далиллар келтираемиз.

Шу ўринда инглиз тилидаги тақлидлар ва тасвирий сўзлар орасидаги тафовутга алоҳида урғу бериш лозим. Бунда биз методологик асос сифатида таянадиган тилшунос Р.Қўнғуровнинг тақлидий ва тасвирий сўзларни фарқлаш тамойилларидан келиб чиқамиз. Маълумки, олим тақлид сўзлар сирасига бевосита ҳайвонлар, табиат ҳодисалари, нарса-буюм, қолаверса, инсон товушларига тақлидни англатувчи ифодаларни киритади. Бундай товушлар жамланмаси бевосита кишининг эшитиш орқали қабул қилган товушлар тизимига асосланади. Тасвирий сўзлар эса ҳаракатнинг тарзи ёки ҳолат тасвирини ифодалайди [1. 30]. Инглиз тилида ҳам тасвирий ифодалар сифатида тақлидий бирликларнинг қўлланишини кузатиш мумкин. Бу каби бирликлар тасвирий ифодавийликни оширишга хизмат қилади. Мисол: *He could hear his mother playing the piano, not For Elise now but something else he didn't like so well - something that sounded dry and fussy; he could hear rain **flickingsteadily** against the kitchen windows.* (King, "S.It") (Таржимаси: *У онасининг пианино чалаётганини эшитиб турарди, бу сафар Элизага куй эмас, унга ёқмайдиган аллақандай бошқа бир қуруқ ва тушунарсиз оҳанг; қулоғига узлуксиз ёмғирнинг деразани мудом **чертаётгани** эшитилди.*) Мисолда ёмғирнинг товушига нисбатан *flickingsteadily* тақлидий ифодаси қўлланган. Гарчи бу тасвирий бирлик туркий тиллардагидек соф тақлид кўринишида эмас, балки феъл шаклида қўлланган бўлса-да, у ёмғирнинг қай тарзда, қай ҳолатда ёғаётганига эмас, балки унинг қандай овоз чиқараётганига эътиборни тортади. Айнан овозга тақлидни ифодалаганлиги сабабли бу лексемани тасвирий сўз деб бўлмайди. мана бу мисолда эса бошқа ҳолат кузатилади: *The project went forward at a steady **gait**.* (David Poyer, "Onslaught") (Таржимаси: *Лойиҳа **бир маромда илдамлаб** борарди.*) Бу жумлада товушга тақлид эмас, балки ҳолат тасвири

ифодаланган. Шу асосда *gaît* ифодасини тасвирий сўз сифатида қабул қилиш мумкин.

Инглиз тилида ҳолатни тасвирловчи бирликлар кўлами ўзбек тилидагига нисбатан тор. Мавжуд тасвирий ифодалар эса фақат маълум бир қолипга солинган ҳолатларга, масалан, кўз қарашлари, бирор предметнинг тусланиши каби ҳолатларга нисбатан қўлланишини кузатиш мумкин. Мисол: *His dirty blond hair was banded back in a ponytail. His light blue eyes never seemed to blink. But the first thing most people noticed were the scars radiating out from his nose. The doctors had said they could fix them, but he'd told them not to bother.* (Mazel Adam, "Morgantown") (Таржимаси: Унинг малларанг кир сочлари бир тутам қилиб боғланганди. Мовий ранг кўзлари эса сира **пирпирамасди**. Лекин кўпчилик, энг аввало, унинг бурни атрофидаги чандиқларга эътибор берди. Шифокорлар чандиқларни даволай олишларини айтишса-да, у "овора бўлманглар" дегандек рад этди.) Бу парчада *to blink* (пирпирамоқ) сўзи ҳолатни ифодалаш учун қўлланган. Бироқ бу лексемани тақлид асосида вужудга келган тасвирий сўз сифатида баҳолаш бироз мушкул. Зеро, у от ҳам, мустақил маънога эга феъл ҳам ҳисобланади. Сўз луғатларда от сифатида ҳам ("пирпиратиш", "милтиллаш", "лаҳза": луғат шакли – *a blink*), феъл ("пирпирамоқ", "милтирамоқ": луғат шакли – *to blink*) сифатида ҳам изоҳланади. Бу далиллар инглиз тилидаги тасвирий бирликларнинг аксарияти генетик жиҳатдан тақлидлардан келиб чиқмаганлигини кўрсатади. Аксинча, ҳолатни ифодаловчи бу каби тасвирий сўзлар, ўзбек тилидагидек, тақлид семантикасига эга бўлса-да, грамматик жиҳатдан от, феъл ёки бош туркумга мансуб сўз сифатида қаралиши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатидаги қуйидаги матнда қўлланган тасвирий сўзга эътибор қаратамиз:

*The wind's way in the deep sky's hollow
None may measure, as none can say
How the heart in her shows the swallow
The wind's way.
Hope nor fear can avail to stay
Waves that whiten on wrecks that wallow.*
(Chiari Stephanie, "Ward Columbus")
(Таржимаси:
Осмон қаъридаги шамол йўлини
Ҳеч ким айта олмас, кимса билмайди.
Шамол йўли олиб борар аслида
Кўнгиш тубидаги қалдирғоччага.
Умид, қўрқув очар ҳалокотга йўл,

*Чўк тушиб, ялпайиб ётган кемалар
Бўғзига тўлқинлар урилар тинмай.)*

To wallow ("ялпаймоқ") тасвирий ифодаси ўзбек тилида нарса ва ҳодисаларга, қолаверса, кенгликларга нисбатан қўлланишини кузатмаймиз. У инсонга нисбатан салбий бўёқ билан қўлланади ва сўз маъноси замирида ҳолатга тақлид маъноси мавжуд. Аммо инглиз тилида от ва феъл маъносига эга бўлиб, ушбу ўринда кемаларнинг ҳолатини ифодалаш учун тасвирий сўз сифатида қўлланган.

Инглиз бадий адабиётида бирор предметнинг чақнаши, ярқираши ва ялтираши каби ҳолатларни ифодалаш учун қўлланадиган тасвирий сўзларни ҳам кўплаб кўриш мумкин. Мисол: *Nearly fifteen minutes passed before the first orange flash lit up the clouds. The first flash was followed almost immediately by a second brighter flash as the warhead concealed inside the bot's braincase set off the Alliance's stockpile of weapons. There was no sound, of course, no distant rumble of thunder, just the constant slap of the waves against the crusted black sand.* (Kate Angell, "The cottage on Pumpkin and Vine"). (Таржимаси: Илк зарғалдоқ тусли **ёлқин** булутларни ёритгунга қадар орадан ўн беш дақиқа ўтди. Биринчи **чақиндан** сўнг дарҳол иккинчиси, янаям ёрқинроғи юзага келди-ю иттифоқчилар қурол захираси сақланадиган ботнинг чаноқ қисмини ёритиб юборди. Албатта, ҳеч қандай овоз чиқмади, момақалдироқнинг узоқдан келадиган **гумбурлаши** ҳам эшитилмади, фақатгина қоп-қора тупроққа тўлқинларнинг **шовиллаб** келиб урилиши тинмай эшитилиб турарди.) Парчада бадий стилистик воситалар сифатида тасвирий ифода ва тақлидий бирликлардан фойдаланилган. Тақлидий ифодалар табиат ҳодисалари шовқинини акс эттирса, тасвирий ифода бирлиги табиий ҳолатни ифодалаган. Феълларнинг ўзбек тилидаги нисбий муқобиллари эса тақлид асослидир.

Инглиз тилидаги тасвирий ифодаларнинг ўзбек тилидан фарқли яна бир жиҳати шундаки, бу лексемалар аксарият ҳолларда жуфтлашмаган бўлади. Ўзбек тилидаги каби *лип-лип*, "гулдур-гулдур" каби такрорланувчи тасвирий ифодалар ёки *тарс-турс*, *шарт-шурт* каби жуфт тасвирий ифодалар инглиз бадий адабиётида деярли учрамайди. Унинг ўрнида эга, кесим, ҳол, тўлдирувчи ёки аниқловчи шаклидаги турли ҳолатга тақлидни англатувчи сўзларнинг тасвирий сўз сифатида

ТИЛШУНОСЛИК

қўлланишини кўришимиз мумкин. Мисол: *Colin MacGregor smiled behind his hood and slowed his mount to a leisurely canter. He wasn't far from his destination, a league or two at best. He could smell the sea on the crisp morning air.* (Quinn, Paula, "Conquered by a Highlander") (Таржимаси: Коллин Макгрегор капьюшонини кийиб олганча табассум қилди ва салмоқлаб шаҳдам қадам босганча юра кетди. У манзилдан йироқ эмас, нари борса, бир ёки икки чақирим узоқлашган эди. Эрта баҳорнинг нафас қитиқловчи (айнан таржимаси қарсиллаган) мусаффо ҳавосида денгиз ифорини туйрди). Мисолда инсоннинг қадам олишини тасвирловчи ифодавий бирлик сифатида *leisurely canter* (яъни отларнинг салмоқлаб қадам ташлашини англатувчи тақлид бирлигидан ҳосил бўлган ифода) дан фойдаланилган. Аммо матн контекстидан, албатта, ушбу ифода қадам товушига эмас, балки унинг қадам ташлаш ҳолати, яъни ҳаракат тарзига нисбатан қўлланганлигини англаш қийин эмас. Иккинчи тасвирий ифода ҳам генетик жиҳатдан бевосита тақлидий бирлик ҳисобланади ва бирор буюмнинг қарсиллаб синишини англатади. Аммо бу жумлада *crisp* лексемаси ҳавонинг нақадар мусаффолигига ишора қилади ва, ўз-ўзидан, "бурунни қитиқлайдиган даражада мусаффо", ёки "салқин, этни жунжуқтирадиган" деган маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу ўринда *crisp* лексемасини мусаффо ҳавонинг товушини ифодаловчи бирлик сифатида кўриш маъно ғализлиги келтириб чиқаради. Мисолдан англашиладики, баъзи ҳолларда бевосита товушга тақлидни англатувчи бирликлар ҳам ҳолат ёки ҳаракатнинг тасвирий ифодаси сифатида қўлланиши мумкин. Аввал таъкидланганидек, тақлид ва тасвирий ифода орасидаги тафовутни ҳатто уларнинг грамматик шаклларида ҳам сезилади. Хусусан, тилшунос олим Р.Қўнғуров бу хусусда "товушга тақлид сўзлар *этмоқ*, *демоқ* каби ёрдамчи феълларнинг ҳар иккаласи билан ҳам бирика олади (ўринга

қараб). Образли сўзлар эса фақат *этмоқ* ёрдамчи феъли билан бирикади" [1.31] деган фикрни айтган. Қолаверса, инглиз тилида тасвирий ифодалар тақлидий ифодаларга нисбатан кенгроқ тарқалган ва улар бадий матннинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тақлидий ифодалар эса, аксинча, қўлланиш доираси маълум даражада чекланган бирликлардир. Инглиз тилшунослари, хусусан, Мюллернинг фикрига кўра, бундай бирликлар умуман лексема сифатида қабул қилина олмайди. Бунда улар мазкур бирликларнинг фонетик таркиби ўзгарувчанлиги, шунингдек, ҳеч қандай семантик қийматга эга эмаслиги, от ёки феъл ҳолатидан ташқарида мустақил қўллана олмаслигини асос қилиб кўрсатишади [2. 221].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инглиз тилида товуш ва образ (ҳолат) ифодаси асосан от ёки феъл туркумига мансуб тасвирий сўзлар билан ифодаланади. Айрим тасвирий сўзлар генетик жиҳатдан тақлид унсурларидан келиб чиққанлиги сезилиб турса-да, инглиз тилининг флектив хусусиятидан келиб чиққан ҳолларда улар феълга айланган кўринишда берилади. Лекин уларнинг семантикасида тақлид маъноси яққол сезилиб туради [3]. Бизнинг назаримизда, инглиз тилида феълга ёки отга айланган тақлидий-тасвирий сўзларнинг генезисини тадқиқ қилиш флектив тилларнинг тарихий ҳолатида тақлидларнинг ҳозирги ҳолатидан бирмунча фарқ қилганлигини кўриш имконини беради. Зеро, тақлидий-тасвирий сўзлари анча катта миқдорни ташкил қиладиган ўзбек тилида тақлидларнинг мустақил ҳолда кесим вазифасида келиши жуда ҳам кам учрайдиган ҳодиса. Лекин қадимги ёдгорликларимизда тақлидлар кесим вазифасида кенг қўлланишда бўлганлигини кўришимиз мумкин. *Тевей эмиги жор-жор; Эшик тақ-тақ; кимдир келди* (Юсуф Хос Ҳожиб, "Қутадғу билиг") каби мисоллар фикримизни далиллайди.

Адабиётлар:

1. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Т.: Фан, 1966.
2. International Journal of Basic Sciences & Applied Research. Vol., 3 (SP), 219-225, 2014 // Available online at <http://www.isicenter.org>. – P. 221.
3. Горохова Л.А. Семантико-прагматические и социолингвистические особенности функционирования ономагов в текстах современного Английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 1998.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).